Ушбу сонда:

2 Ҳаракат хавфсизлиги: НОСОЗ МАШИНА йўлга чиқса...

3 TV – ДАСТУРИ

4 БАҒРИНГИЗНИ КЕНГ ҚИЛИНГ умрингиз узоқ бўлади

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 21 июл, шанба № 112 (1126)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Кишлоқ хўжалиги корхоналарини санациялаш бўйича ҳукумат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда санацияга тортилган 211 та қишлоқ хўжалик корхонасининг 2001 йил биринчи ярмидаги хўжалик фаолияти якунлари муҳокама этилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, мазкур комиссия раиси Р.Азимов бошқарди.

Комиссия мажлисида таъкидланганидек, санацияга тушган қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий соғломлаштириш сиёсатини амалга ошира бориб ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириб, 2001 йилнинг биринчи ярмида ўз ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланишини таъминлади. Бу хўжаликларда бошоқли экинлар ҳосилдорлиги ўтган йили гектарига ўртача 21 центнерни ташкил этган бўлса, бу йил гектарига 23 центнерга етди. Тошкент, Навоий, Сурхандарё ва Сирдарё вилояти хўжаликлари ҳосилдорликнинг сезиларли ўсишига эришди. Сув тақчиллигидан зарар кўрган минтақадагилардан ташқари барча санацияга тушган хўжаликлар даромад қилди.

Шунингдек, фаолиятнинг бошқа турларидан олинадиган фойдани кўпайтириш чоралари ҳам кўрилмоқда. Ўтган даврда 2001 йилдан бошлаб санацияга тушган 76 та хўжаликдан 1,7 миллиард сўм миқдоридаги дебиторлик қарзлари ундирилди. Бу санация жараёни бошлангандаги қарзларнинг 98 фоизини ташкил этади. 89 фоиз ортиқча асосий фондлар сотилди, 94 фоиз ижтимоий инфратузилма объекти маҳаллий ҳокимият идораларига ўтказилди, барча эскирган ускуналар ҳисобдан чиқарилди. Санацияга тушган хўжаликлардаги барча боғ ва токзорлар узоқ муддатга ижарага берилди ва санацияга тушган хўжаликлар ҳисоб-рақамларига 528 миллион сўм миқдоридаги умумий йиллик ижара ҳақидан 288 миллион сўми биринчи ярим йилликда келиб тушди. Лизинг асосида турли русумдаги 161 та тракторнинг берилиши натижасида хўжаликларнинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди. Санацияга тушган хўжаликлар ҳудудидаги қувур ва зовурлар, суғориш тизимини тозалаш бўйича ярим йиллик топшириқ муддатидан олдин бажарилди. Бу хўжаликларда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш натижасида ишсиз қолган деярли барча ишчилар иш билан таъминланди.

Шу билан бирга, таҳлиллардан маълум бўлишича, санацияга тушган хўжаликларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ихтиёрий суғурталаш масаласида жиддий камчиликлар мавжуд. Бухоро, Сирдарё, Тошкент ва Наманган вилоятлари хўжаликларида боғ ва токзорларнинг ижара ҳақи асоссиз равишда пасайтирилган.

Шунингдек, комиссия Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги қарорига кўра белгиланган 52 та истиқболсиз қишлоқ хўжалик корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш жараёнини кўриб чиқди. Бу жамоа хўжаликлари ўрнида танлов асосида 3663 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Ҳар бир фермерга ўртача 32,2 гектар ер, тугатилаётган хўжаликнинг 1,8 миллион сўм фонди тўғри келмоқда.

Ташкил этилган фермер хўжаликлари самарадорлигини оширишга қаратилган инфратузилма шакллантирилмоқда. Жойларда 43 та кичик банк, ёқилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар билан таъминловчи 37 та шохобча, 34 та муқобил машина-трактор парки, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси тузилди. Комиссия «Пахтабанк», «Ўзнефтмаҳсулот» компанияси, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» компанияси, «Ўзагромашсервис» уюшмаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар ҳокимликларига яқин истиқболга қаратилган топшириқда кўзда тутилган яна 9 та кичик банк, ёқилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар билан таъминловчи 15 та шохобча, 18 та муқобил машина-трактор парки ташкил этишни қисқа муддатларда якунлашни топширди.

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисидаги нутқидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликлари асосида ташкил этиш, қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини рағбатлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тўлиқ қайта ишланишини таъминлаш алоҳида долзарблик касб этади. Бунинг учун етарли шарт-шароит борми, деган ҳақли савол қўйилди.

Шу муносабат билан қайд этилдики, Бухоро, Наманган, Сирдарё, Андижон ва қатор бошқа вилоятларда фермер хўжаликлари ғалла тайёрлаш режасини бажаришга муносиб ҳисса қўшди.

Айни пайтда кўпгина ташкил этилган фермер хўжаликлари корхоналар билан моддий-техника таъминоти бўйича шартномалар тузмаган. Бунинг оқибатида уларни минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бевосита ширкат хўжаликлари томонидан амалга оширилмоқда, моддий ресурслар ширкатдан фермер хўжаликларига ноқонуний тарзда ўтмоқда. Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш мақсадида комиссия томонидан ишчи гуруҳи ташкил этилди. У қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни моддий-техника ресурслари, биринчи навбатда, минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминловчи корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиши лозим.

Мажлисда Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари ҳудудий комиссиялари раҳбарлари, Гулистон, Зарбдор, Ромитан ва Косон туманлари ҳокимларининг ҳисоботи тингланди. Текширишлар кўрсатмоқдаки, бу ҳудудий комиссиялар ва ҳокимликлар санацияга тушган хўжаликларнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолиятини ҳар томонлама изчил ўрганмаяпти, молиявий соғломлаштиришнинг ички имкониятларини топиш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмаяпти.

Гулистон тумани ҳокимлиги фаолиятида, айниқса, жиддий хатолар аниқланди. Бу ерда барча санацияга тушган хўжаликлар бизнес-режада кўзда тутилган миқдорда ғалла етиштиришни таъминлай олмади. Боғларнинг бир гектари учун ижара ҳақи бор-йўғи 33 минг сўм, токзорлар учун 43 минг сўм миқдорида белгиланган. Ваҳоланки, республика бўйича бу кўрсаткич ўртача 103-104 минг сўмни ташкил этади. 130 дан ортиқ фермер хўжалиги нефт маҳсулотлари ва минерал ўғитлар етказиб бериш бўйича шартнома тузмаган ва уларни ноқонуний йўл билан олмоқда. Туман давлатга дон топшириш режасини бажармади. Комиссия туман ҳокимлигининг санация хўжаликларини бошқариш ва фермер хўжаликлари ташкил этиш борасидаги ишларини қониқарсиз деб топди.

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар асосида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг узоқ муддатли ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш муҳимлиги мажлисда алоҳида таъкидланди. 2001 йилнинг иккинчи ярмида қишлоқ хўжалик корхоналарини санациялашни самарали ўтказиш ва фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, И.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Т.Холтоев иштирок этди.

(ЎзА).





Нукус шаҳрига кираверишда ўқув марказига эга бўлган автосервис мажмуи барпо этилмоқда. У Ипак йўли бўйлаб қатнаётган юк ташувчи автомобилларга хизмат кўрсатади. Бунёдкорлик ишларини Қўнғиротдаги «Жанубгазқурилиш» трести очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 1-қурилиш монтаж бўлими қурувчилари амалга оширмоқдалар.

Суратларда: замонавий иншоот қурилишидан лавҳалар.

О.МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.

Моддий манфаатдорлик таъминланган жойда

ИШЧИЛАР ҚАДРДОН КОРХОНАЛАРИГА ҚАЙТДИЛАР

«Ортиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласини ҳал этиш — мамлакатимиздаги энг долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан биридир.»

(Вазирлар Маҳкамасининг 17 июлдаги йиғилиши ҳужжатларидан).

Бугун касаба уюшма етакчиси ижтимоий-бошқарув масалаларини яхши тушунадиган, иқтисодиёт, социологияни яхши ўзлаштирган мутахассис бўлиши лозим.

Республикада кўзга кўринган «Ғазалкентойна» заводи 1999 йилдан амалдаги йилнинг апрел ойигача тўхтаб қолди. Натижада 700 нафарга яқин ишчи мажбурий таътилга чиқарилди. Орадан йил ҳам ўтдики, улар ҳақ тўланмайдиган таътилда юришди. Кўпгина мутахассис-ишчилар бошқа ишга ўтиб кетишга мажбур бўлишди. Ҳайҳотдек завод ҳувиллаб қолди. Бунинг асосий сабаби раҳбарларнинг ўз манфаатларини ўйлаб кетишида эди. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун мисол келтирмоқчимиз. Бир пайтлар бой кутубхонаси, «Гулёр» этнографик халқ ижодиёти дастаси, бадиий-ҳаваскорлик тўгараклари билан туманда машҳур бўлган завод тасарруфидаги замонавий икки қаватли маданият саройи арзон-гаровга хусусий корхонага сотиб юборилди. Мазкур ишни бажарган жаноблар, балки бу саройни келажакда ўзлари учун кошонага айлантириб олишни мўлжаллаган бўлсалар ажаб эмас. Хайриятки, ҳуқуқ-тартибот органлари аралашуви билан маданият саройи яна ўз эгаларига қайтарилди.

Корхонадаги муаммоларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиққан тегишли вазирлик, маҳаллий ҳокимлик ва мутахассислар заводни ишлатишга азму-қарор қилдилар. Бунинг учун аввало яхши кадрлар танланди. Жамоа раҳбарлигига малакали мутахассис Рўзимат Миррайимов тайинланди. Шу йилнинг апрел ойидан бошлаб корхона очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Ўзбекистон-Нидерландия қўшма корхонасига айлантирилди. Тажрибали цех бошлиқлари, мутахассис ва ишчилар ўз севимли касбларига қайтарилди. Бугунги кунга келиб ишчилар сони 680 нафарни ташкил этди.

Корхонада ишчилар сони орта борган сайин, уларнинг дардини эшитадиган, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қиладиган касаба уюшма қўмитаси тузиш зарурати туғилди. Умумий мажлис чақирилиб, ишчидан то директорлик вазифасигача кўтарилган Толиб Норматов касабақўм раиси этиб сайланди.

Янги касабақўм маъмурият билан ҳамкорликда 2001-2004 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси лойиҳасини ўрганиб чиқиб, умумий йиғилишда имзолашди. Унга асосан цехларда ишлаётганларга махсус кийим-бош, сут маҳсулотлари берилди, дам олиш шароитлари яратилди. Ҳар бир ишчи билан алоҳида суҳбат ўтказилиб, кам таъминланган, кўп болали оилаларга моддий ёрдам ажратилди. 50 ўринли ошхонада бепул тушлик ташкил этилди. Ишчиларнинг келиб-кетишларига 3 та автобус ажратилди. Шунингдек, спорт мусобақалари учун 70000, бошқа турли тадбирларга 150000 ва моддий ёрдам учун 100000 сўм сарфланди.

Корхона маъмурияти фақатгина ойна ишлаб чиқариш билангина чекланиб қолгани йўқ. Корхона тасарруфидаги бўш турган биноларда халқ истеъмоли моллари цехи ташкил этилиб, стакан, ваза, турли ҳажмдаги кўзгулар, лампа чироқлар шишалари, маданият саройлари залларига қўйиладиган гул ойналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур цехга кўп йиллик тажрибага эга бўлган Жумабой Шерметов бошлиқ этиб тайинланди. Маҳсулот ишлаб чиқариш кун сайин кўпайиб ўз самарасини бермоқда. Муҳими, ишчи ўринлари кўпайиб, иш ҳақи ўртача 35-40 минг сўмни ташкил этаётир. Цех кенгайиб, йил охиригача яна 20 та янги иш ўрни яратилиши мўлжалланмоқда.

Покистонлик мутахассис Кутубхон ҳам янги цех ташкил этди. Ҳар куни бу ерда 12000 дона кир совун ишлаб чиқарилмоқда. Цех тўла қувват билан ишлай бошласа, кунлик совун ишлаб чиқариш 18-20 минг донага етади.

Корхонанинг энг оғир участкаси ҳисобланмиш ойна ишлаб чиқариш цехида меҳнат қилаётган Т. Ризамов, С.Суслов, Л.Низамова, О.Худойбердиева, У.Худойқулова, А.Турабоевлар илгарилари ҳам яхши ишлаб, олқиш олганлардан. Улар кунлик иш режаларини бир ярим ҳиссага етказишмоқда.

Иш ҳақи тўғрисида ишчиларнинг ўзлари билан суҳбатлашдик:

Маъруф Сайидазимов, ойна қайнатувчи:

— Иш ҳақимиз 50-70 минг сўмданга тўғри келаяпти. Кўп вақт бекорчиликдан зерикиб қолган эдик. Ҳалол меҳнатнинг нони ширин бўларкан.

Исроил Маҳмудов, ойна қирқувчи:

— Бекорчидан худо безор. Барча нохушликлар ишсизликдан келиб чиқади. Шукурлар бўлсинки, 45-50 минг сўм ойлик рўзғоримизга барака киритаяпти.

Фарҳод Ашуров, катта машинист:

— Иш ҳақимиз меҳнатга яраша бўлаяпти, яратилаётган шарт-шароитдан хурсандмиз. Ҳар ойда 55-60 минг сўмдан маош олаяпмиз.

Ишловчи меҳнати қадрланаётгани, иш шароити яхшиланаётгани сезиларли самара бераётир. Жумладан, маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги, мустаҳкамлиги билан харидорларни жалб этмоқда.

— Қўмита аъзоларимиз билан биргаликда биринчи навбатда ишловчиларга қулай иш шароити яратишга бел боғлаганмиз, — дейди касабақўм раиси Т.Норматов. — Уларнинг муаммоларини ўрганиб чиқиб, тезда ҳал қилаяпмиз. Иш ҳақларини янада ошириш, йил охиригача иш ўрнини 800 тага етказиш режамиз бор. Маданият саройимизни аввалги ҳолига келтириш учун корхона ҳисобидан маблағ ажратишга маъмурият билан келишиб олганмиз. Яқин вақт ичида кутубхона, кино зали ва турли тўгаракларни ишга тушириш ниятидамиз.

Бўстонлиқ туманидаги «Искандар» қўрғонида жойлашган «Ғазалкентойна» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти маҳсулотлари Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларининг талабномалари асосида жўнатилмоқда. Сифатли ва арзон маҳсулотлар қўшни республикаларда ҳам ўз харидорини топишига шубҳа йўқ. Ҳаммасидан қувонарли жойи шундаки, бир ярим йилдан буён ишламаётган бу йирик корхонада қисқа вақт ичида 600 ишчи ўрни яратилганлигидадир.

Ортиқ САИДОВ, «Ишонч» мухбири.

Андижон тумани Завrак қишлоғидаги «Қалдирғоч» дам олиш масканида чиройли томоша - Нептун байрами ўтказилди.

ТАЪТИЛ ҚУВНОҚ ЎТМОҚДА

- Бу оромгоҳда қорақалпоғистонлик болалар ҳам дам олмоқда,-дейди оромгоҳ бошлиғи Т.Холматов. - Вилоятнинг ёш меҳмонларига қизиқарли дастур таклиф этилган. Ўқувчилар учун Андижоннинг диққатга сазовор жойларига сайр, спорт мусобақалари, билағонлар танловлари ташкил этилди.

(ЎзА).

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ЕТИШМАГАЧ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Меҳнат Кодексида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари қонуний асосда мустаҳкамлаб берилган. Буни яхши билсаларда, баъзи мансабдор шахслар ишловчиларнинг қонуний манфаатлари камситилишига йўл қўймоқдалар. Бундай камчиликлар замирида аввало ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги ётади. Қуйидаги ҳолатлар фикримиз далилидир.

Нишон туманидаги газлаштириш идорасининг собиқ бошлиғи М.Йўлдошев газ назоратчиси Нодир Яхшибоевдан 2000 йил 30 октябр куни «Агар газ пули режасини 1 декабрга қадар бажаролмасак, ўз хоҳишим билан ишдан бўшатишингизни сўрайман» маъносида мажбурий ариза ёздириб олган. Корхонанинг янги раҳбари М.Ғаффоров эса Н.Яхшибоевни ана шу аризасига асосан ғайри қонуний равишда ишдан озод қилган.

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Қ.Неккиевнинг меҳнат қонунларини яхши билмаслиги, янги раҳбар инсон омилига етарли эътибор бермаганлиги кўрсатиб ўтилди. Ноҳақ ишдан бўшатилган ходим ўз вазифасига тикланди.

Вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси раҳбариятининг ўзбошимчалиги бундан ҳам ошиб тушди. Корхона сотув бўлими мутахассиси Алсу Шеркулова бола тарбияси таътилидан қайтиб келгач авваллги ишига қўйилмасдан девонхона мудири этиб тайинланган. Орадан кўп ўтмай унинг штати қисқартирилган. Қинғир ишнинг қийиғи чиққач, бирлашма раҳбариятининг А.Шеркуловани бўш турган хўжалик мудири вазифасига қўйишдан бошқа иложи қолмади.

«КашКонсАудитинформ» ҳудудий маркази раҳбари З.Эргашеванинг қонунбузарлиги ҳаммани ҳайратда қолдирди. У аудитор вазифасига қабул қилинган А.Шукуровни меҳнат шартномаси муддати тугамасдан ишдан бўшатиб юборди. Масала кўндаланг қўйилгач, ноқонуний иш учун З.Эргашева ўз ходими А.Шукуровга бекор юрган кунлари учун 73975 сўм тўлашга мажбур бўлди.

«Қорни тўқ билан қорни очнинг нима иши бор», дейишади. Афсуски, айрим корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ходимларга ойлик маошларини вақтида тўламасдан келмоқдалар. Касби туманидаги «Наврўз» жамоа ширкат хўжалигида ана шундай аҳвол юз берди. Меҳнат бошқармасига Назартепа қишлоғида яшовчи Норхол Тўраева ўғли Бекзод Худойназаровга ойлик маош тўлашни хўжалик раҳбарияти кечиктираётганлиги ҳақида шикоят қилган эди. Ариза текширилгач, деҳқон мушкули осон бўлди.

Муаммо кўндаланг қўйилади

Вилоят «Иссиқлик манбаи» бошқармасига қарашли Қаршидаги 2-қурилиш ва таъмирлаш корхонаси раҳбари А.Муҳиддиновнинг лоқайдлиги билан З.Аллаева, С.Ҳурромов, Э.Худойқулов каби бир гуруҳ ишчиларнинг 2000 йилдан қолган иш ҳақлари тўланмай келинган. Меҳнат бошқармаси аралашуви билан иш ҳақлари тўла ундириб берилди.

Меҳнатга ҳақ тўлашда фуқаролар ҳуқуқини поймол этиш, иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномаларини ноқонуний бекор қилиш ҳоллари учраб турибди. Бу айрим корхона ва ташкилот раҳбарларида ҳуқуқий билим етишмаётганлиги, улар меҳнат қонунларини яхши билмаслиги оқибатидир.

Зойир ЭШНАЕВ, Қашқадарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси давлат меҳнат ҳуқуқи инспекцияси бошлиғи.

Миллий фаровонликка эришишнинг ўта муҳим омили

Вазирлар Маҳкамасининг 17 июлда бўлиб ўтган мажлиси ҳужжатларида хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти, у миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили эканлиги аниқ-равшан кўрсатиб берилди. Ушбу анжуман руҳини энди халқ қалбига кўчириш, одамлар онги-шуурида тадбиркорликка бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга эришмоқ лозим. Масаланинг аҳамиятини яна шундай изоҳлаш мумкин: катта компания миллион-миллионлик маҳсулот чиқариб, кутилмаган инқироз туфайли маҳсулотини сотолмай қуйиб қолиши мумкин. Кичик ва ўрта бизнес вакиллари эса бундай вазиятларда анча осон ечим топади.

Эндиликда кўпчилик мулкка эгалик ҳиссини англаб етди. Ҳаётни кузатиб ўзимиз ҳам ишонч ҳосил қилаяпмизки, бу муҳим соҳанинг афзаллиги мослашувчанлик, истаган пайтда фаолият йўналишини ўзгартира олиш хусусиятидир.

Барча қатори Бухоро вилоятининг Вобкент тумани кишилари, тадбиркорлари ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги нутқини зўр қизиқиш, манфаатдорлик ила ўқиб ўрганмоқдалар. Катта сафарбарлик кучга эга бўлган бу тарихий ҳужжат омилкор, ишбилармон, ташаббускор кишиларга қанот, жамиятда тадбиркорлик руҳини мустаҳкам қарор топтиришда қудратли омил бўлмоқда.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

Вобкент тумани ҳокими Муҳиддин ЭСОНОВ билан худди шу долзарб масала хусусида мулоқот юритдик:

— Туманимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда 417 юридик мақомга эга бўлган шахслар ишбилармонлик ҳаракатининг олдинги сафида боришмоқда. Уларнинг орасида 31 нафар деҳқон, 259 нафар фермер жамоалари бор.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар сони 800 нафарга етай деб қолди. Йил охиригача бу рақам 1000 дан ошади.

«...Ички бозорнинг истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва аҳолига турли хизматлар кўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг реал даромадларини кўпайтириш масалаларининг ечими ҳам ана шу тармоқнинг нечоғли барқарор ривожланишига боғлиқ», дея уқтиради давлатимиз раҳбари.

Масалан, биргина кичик ва ўрта бизнес ривожини изчил йўлга қўйиш маҳсулот ишлаб чиқаришдаги шахсий улушни 20 фоизга оширди. 2015 та янги иш ўрни барпо этилиб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишнинг мустаҳкам асослари яратилди.

Ҳокимлик бунёдкорлик режаларини амалга оширишда таянч кучга айланаётган ёшлар келажагини кўзлаб махсус дастур асосида кўплаб янги иш ўринлари яратишга эътиборни қаратаётир. Йилига 1,6-2 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Мидатекс» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг фойдаланишга топширилганлиги ёхуд бултурги йили туманда пахта тозалаш заводининг тўла қувват билан ишга туширилиши йигит-қизларни иш билан таъминлаш имконини берди.

Бугун Вобкентда «Чакана» савдо харид базаси, «Кислород» заводи, «Техник» маркази, «Наврўз» кичик корхонаси жамоаларини кўпчилик яхши танийди. Яқин келажакда улар туман аҳолисини тайёр маҳсулотга бўлган талабини тўла-тўкис қондиришнинг уддасидан чиқишларига ишонамиз.

«Оқработ», «Ражаб бобо», «Бобир Карим», «Бек» фермер хўжаликларининг довруғи эндиликда вилоятга таралаётир. Уларда ҳам олдимизга 40 минг тонналик довондан ошиш вазифасини қўйганмиз.

Даромад салмоғининг ошиб бориши янги-янги маданий-маиший иншоотлар барпо этилишига имкон яратди. Кейинги 2-3 йил орасида қарийб 5 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, гимназия, лицейлар, 600 ўринли қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий тиббиёт муассасалари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда туманда 25 та қишлоқ шифокорлик маскани намунали фаолият кўрсатяпти. Ҳудудимиздаги 120 ўринли аёлларни соғломлаштириш вилоят марказида туғиш ёшидагиларнинг саломатлигини энг сўнгги тиббиёт фани ютуқлари асосида муҳофаза этиш учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Шарқ меъморчилиги услубида қад ростлаган деҳқон бозори, Миллий банк, ўнлаб ташкилотларнинг маъмурий бинолари бугунги Вобкент шаҳрининг чиройини янада очиб юборди. 242 та савдо, 249 та маиший хизмат шоҳобчалари, 43 та умумий овқатланиш корхонаси аҳолига намунали хизмат кўрсатаётир.

Меҳнаткашларнинг маданий дам олиши ҳамда ижтимоий муҳофазаси борасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилмоқда.

Поёнсиз далалар, мевалари пишиб, шохлари эгилаётган боғ-роғлар, ёз шабадасида денгиздек чайқалаётган пахтазорларга боқиб тўймайсан, киши. Туманнинг қаерида бўлманг, ким билан суҳбатлашманг ишидан, ҳаётидан мамнунлигини изҳор этаётган инсонларнинг дил розини эшитиб, уларнинг эртанги кунга ишончлари мустаҳкам эканининг шоҳиди бўласиз.

Суҳбатдош:
Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

ФЕРМЕРЛИГИМ БИЛАН ҒУРУРЛАНАМАН

Бундан 15-20 йил илгари оддий деҳқон мулкдор бўлиши мумкинми, деб сўрашса бу савол ҳаммамизга ғайритабиий туюлар эди. Сўнг иккиланмай: йўқ, албатта, деб жавоб берган бўлардик. Мустақиллик шарофати туфайли ҳаёт тубдан ўзгарди. Бугун қайси қишлоққа борманг ҳеч бўлмаганда беш-ўн бадавлат фермернинг номини эшитасиз.

Менинг ҳам орзуим ушалди. Қаддимизни тиклаб олдик. Эндиликда, юртимизда мўл-кўлчилик яратилишида ўз ўрнимиз борлигидан фахрланамиз.

Ихтиёримизда 13,5 гектар ер бор. 43 бош қорамолни меҳр билан парваришлаб мўл гўшт ва сут етиштиряпмиз. Яқинда даромадимиз ҳисобидан битта техника сотиб олдик.

Ўтган йили фермер хўжалигимиз аъзолари тадбиркорлик билан иш юритиб, 1,1 тонна гўшт, 30,6 тонна сутни истеъмолчиларга етказиб берди. Бундан ташқари давлатга 22,5 тонна дон сотдик. Умумий даромадимиз салкам 4 миллион сўмга етди. Шундан 1,5 миллион сўми соф фойдани ташкил этди. Ер ўз эгасини топгани, мулкка бўлган муносабатнинг ўзгаргани шу каби ижобий натижалар омили бўлмоқда.

Шариф МИРЗАЕВ,
«Оқработ» фермер хўжалигининг раҳбари.

ҲАММАМИЗНИ ТЎЙГА ЕТКАЗСИН!

Туманда маданий меросимизни кенг тарғиб қилишда «Мардона» халқ фолклор этнографик ансамблининг хизматлари катта. Турли ёш ва касбдаги даста аъзоларининг ҳар бир чиқиши элга манзур бўляпти.

Маданият уйи қошидаги халқ театри, маҳаллий бастакорлар ҳамда ижодкорларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ижодий изланишлари томоша ва концерт репертуарларини бойитмоқда. Шунинг самараси ўлароқ яқинда «Мардона» ансамбли республика Маданият ишлари вазирлигининг дипломи билан тақдирланди.

Шу кунларда тумандаги марказлашган кутубхона тизимига қарашли 41 та зиё масканида, жойлардаги 12 та маданият уйларида махсус сценарий асосида истиқлолнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилиши мўлжалланган тадбирларга пухта ҳозирлик кўрилаётир. Ўйлаймизки, «Мардона»нинг байрам чиқишлари санъатсевар мухлисларга манзур бўлади.

Озод ОДИЛОВ,
туман ҳокимлиги маданият ишлари бўлими масъул ходими.

Туманда айни пайтда 18 та ширкат хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётганлардан 13 минг 441 нафар киши пай эгаларидир. 1999 йил якунлари бўйича уларга 36,2 миллион сўм дивидент тўланди. Ўтган йилги натижалар эса бундан ҳам юқоридир.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Туманда 10790 нафар пенсионер бўлиб, уларга ҳар ойда ўрта ҳисобда 77-80 миллион сўмлик нафақа пули тарқатилмоқда. Боқувчисини йўқотган оилалар 68 та бўлиб уларга 2001 йилнинг яримида ҳомийлар томонидан 343 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Умр мазмуни

Кумушкентлик Султон ота Ҳамроевни Вобкентда танимайдиган киши йўқ. Чунки у иккинчи жаҳон урушидан ногирон бўлиб қайтсада, қадрдон хўжалиги ривожланиши учун жон куйдириб ишлади. У бутун умрини эзгуликка бағишлаган инсон. Шу боис байрамлар, тарихий кунларда Ҳамроевларнинг мўъжазгина ҳовлиси уни йўқлаб келганлар билан гавжум бўлади.

— Ҳар гал бу хонадонга келганимда, - дейди вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раис ўринбосари Холиқ Бақоев, — кишиларга меҳр-мурувват, сахийлик кўрсатиш қани энди, ҳаммага ҳам насиб этса, дегим келади.

У. СОЛИҲОВ.

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин

ИМТИЁЗЛИ ХИЗМАТ

Тиббиётда ислоҳотлар эндигина бошланган кезларда вобкентлик шифокор Рустам Олимов ташаббус билан чиқди. У хусусий тиш поликлиникаси очиб, беморларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Арзон ва сифатли даволаниш аҳолида қизиқиш уйғотди.

— Вазият тақозоси билан беминнат хизмат кўрсатишга ҳам тўғри келади. Кўп болали, кам таъминланган оилалар вакилларига, ногиронларга, етим-есирларга имкон қадар имтиёзли шартлар асосида хизмат кўрсатиб келаяпмиз. Тишларни даволаш ёхуд тиш қўйиш билан боғлиқ юмушларни анча арзон нархда амалга ошираяпмиз, - дейди хусусий даволаш муассасаси мудири Р.Олимов.

Шундай тадбиркор, саховатпеша ва бағрикенг инсонлар бор экан, юкимиз ҳеч қачон ерда қолмаслигига амин бўласиз.

Ихтиёр ЙЎЛДОШЕВ,
жамоатчи мухбир.

ЯХШИЛАР — ҚАНОТИМ

Ногирон бўлиб қолиб, кимнингдир мададига зор бўларкансан.

Шукрлар бўлсин, дунёда яхшилар, саховатпешалар кўп. Хонадонимизга ташриф буюриб, ҳолаҳвол сўраб кирган ҳар бир инсонни кўрганимда кўзимга севинч ёшлари келиб, тўлқинланиб кетаман. Яхшилиги мендан қайтмаса бошқалардан қайтсин, дейман.

Яқинда туманнинг турли идоралари вакиллари келишиб совға-саломлар, дори-дармонлар ва ногиронлик аравачасини туҳфа этишди. Ҳамма-ҳаммаси учун дилдан раҳмат айтдим.

Ҳабиба ЛАТИПОВА,
биринчи гуруҳ ногирони.

қараб қолсанг, қийин экан. Шунда ушоқдек меҳрга ҳам

АЁЛЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИДА

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ юртимизда хотин-қизларни эъзозлаш, саломатлигини муҳофаза этишга эътибор кучайтирилди. Ҳукумат миқёсида ҳаётбахш қарорлар қабул қилинди. Эндиликда улар самарасини ҳар бир қишлоқ ёки маҳаллада кўриш мумкин. Вобкент шаҳрида қад ростлаган 3 қаватли кўркам бинодаги 120 ўринли аёлларни соғломлаштириш маркази ҳам давлатимизнинг оналарга ғамхўрлигининг яна бир ёрқин намунасидир. Ушбу марказ 1996 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда.

Бу ерда вилоятимизнинг турли жойларидан келган оналар ўз саломатликларини мустаҳкамлашади. Муассасада барча қулайликлар муҳайё этилган. Чет эллардан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар беморлар дардини аниқлаш ва даволашда катта ёрдам беряпти. Физиотерапия, фитобар, ЭКГ хоналари, даволаш гимнастикаси зали, стоматология бўлими ишидан даволанувчилар мамнун.

Агар дастлабки йилларда йилига 2-2,2 минг нафар хотин-қиз ўз саломатлигини тиклаган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 3 минг нафарга етмоқда. 1-даволаш бўлими мудираси Фотима Рашидова, акушер-гинеколог Назира Пўлатова, 2-даволаш бўлими ҳамшираси Собира Тўраева, қабулхона бўлими ходимаси Саида Қобилова, шунингдек, Дилфуза Тўраева, Маҳбуба Шаҳобовалар касбларига фидойиликлари, хушмуомалаликлари билан даволанаётганлар ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Шифохона маъмурияти касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда иш юритиб, жамоа аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратаётир. Туғилган кун, касб байрамида ва меҳнат таътилига чиқиш олдидан совғалар ва моддий ёрдам пули берилади. Аёлга ғамхўрлик — келажакка ғамхўрлик эканлигини дилдан ҳис этиб,



оналар саломатлигини сақлашдек шарафли бурчимизни аъло даражада бажаришга интиляпмиз.

Аълам ИКРОМОВ,
вилоят аёлларни соғломлаштириш маркази бош ҳакими.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ:

НОСОЗ МАШИНА

йўлга чиқса...

— Хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиз таянчидир, - дейди Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасига қарашли йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг техник назорат бўлими бошлиғи Одилжон Хўжаев. - Чунки биринчидан, ички бозор истеъмол моллари билан тўлдирилади ва аҳолига турли хизматлар кўрсатиш яхшиланади. Иккинчидан, аҳолини иш билан таъминлаш ва улар даромадларини кўпайтириш имконияти туғилади.

Энди бизнинг вазифамизга келсак, у шаҳар ҳудудида йўловчи ва юкларни ташувчи корхоналар ҳамда шахсий тадбиркорларнинг транспорт воситаларини ўз вақтида техник кўрикдан ўтказиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Бошқармада бу борада қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, шахсий транспорт эгаларининг автомобиллари ўз вақтида техник кўрикдан ўтказилмоқда. Уларга ҳар куни техник ва тиббий кўрикдан ўтишида яқиндан ёрдам берилмоқда. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи хусусий тадбиркорлар сони эса кундан-кунга ортиб бормоқда. Улар тендерларда ютиб чиқиб, турли йўналишларга қатнамоқдалар. Улар аҳолига ҳар хил хизматларни кўрсатиб, йўловчилар узоғини яқин қилишмоқда. Муҳими, кўплаб шахсий транспорт эгалари йўл ҳаракати хавфсизлигига тўла амал қилаётирлар.

Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, кейинги пайтларда белгиланган тартибда маҳаллий ҳокимият ва солиқ идораларидан рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар ҳам учраб турибди. Улар техник носоз транспорт воситаларидан фойдаланишмоқда. Кўп ҳолларда бу транспорт воситаларини тегишли малакаси бўлмаган ва тиббий кўрикдан ўтмаган ҳайдовчилар бошқараётгани афсусланарлидир. Масалан, шу йилнинг июн ойида Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси, «Автодарё» агентлиги, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда ана шундай ҳолатлар аниқланди.

Гуруҳ ёрдамида «Қўйлиқ», «Фарҳод», «Сергели», «Чорсу», «Юнусобод» бозорлари, С.Раҳимов номли, «Буюк Ипак йўли», Кадишев номли шоҳ бекатлар ва бошқа йўналишлар текширилди. Натижада 468 та автомобил тўхтатилиб, уларнинг 47 таси техник носозлиги маълум бўлди. 5 июн куни гуруҳ аъзолари «Қўйлиқ» бозорида турган «ЗИЛ-130» русумли юк машинасини кўздан кечиришди. Давлат рақами 11 F 5534, «Чорсу» бозоридаги «ЛАЗ-695» русумли, давлат рақами 11 I 3135 бўлган (ҳайдовчи Ўтбосаров) транспортлар ноқонуний газ ёқилғи билан ишлашга қайта жиҳозланган.

Бундан ташқари, хусусий йўловчи ташувчилар томонидан тендерда ютиб олинган 5 та йўналиш текширилганда, техник носоз автомобиллар билан хизмат кўрсатаётган ҳайдовчилар аниқланди. Йўналиш харитаси ва лицензияси йўқлар ҳам учради. Масалан, 14 июн куни «Вокзал-Фарҳод бозори» йўналиши бўйича қатновчи «РАФ-2203» русумли, давлат рақами 10 S 4453 бўлган транспорт текширилганда, ҳайдовчининг йўналиш харитаси ва йўловчиларни ташиш ҳуқуқини берувчи ҳужжати йўқ эди. «Кадишев-Отчопар» йўналишидаги юқоридаги русумли мўъжаз автобуснинг эса рул бошқарув деталлари меъёридан ортиқ едирилган. Қўл тормози ишламайди. Олдидаги ойнаси келмоқда. Жумладан, Сергели туман Чоштепа кўчаси 354-уйда яшовчи Ш.Содиқов ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлигига қарамасдан, «Бахт» фирмасига тегишли енгил автомобилни бошқариб, 9 июл куни «Тошкент» автовокзали қаршисида йўлни кесиб ўтаётган 3 нафар пиёдани уриб юборади. Шундай бахтсиз ҳодиса «Қўйлиқ» бозори яқинида ҳам содир этилди. Маълум бўлишича, Миробод туманида истиқомат қилувчи З.Урунов «Отчопар-Қўйлиқ» оралиғида қатновчи «РАФ-2203» русумли транспортни бошқариб, номаълум сабабларга кўра машинани ағдариб юборади. Оқибатда ўзи ва яна 4 нафар йўловчи жароҳатланади. Уларнинг орасида ҳатто Бешариқ туманида яшовчи, 5-синф ўқувчиси С.Раҳимова ҳам бор эди.

эса ҳайдовчига кўринишни чеклайдиган даражада дарз кетган.

Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда йўл-транспорт ҳодисаларининг рўй беришига олиб

Хулоса шуки, тадбиркорлар ичида ҳеч қандай ҳужжатсиз ёки транспорт воситасини бошқариш учун тегишли малакаси бўлмаган, техник носоз автомобиллардан фойдаланаётганлар инсон ҳаётини хавф остига қўяяптилар. Шунинг учун ДАН ходимлари, «Автодарё» агентлиги, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси ва солиқ идоралари билан ҳамкорликда бундай ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб, сохта тадбиркорларнинг фаолиятига чек қўймоқда.

Гулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

TV дастури

23 – 29 июл

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Биби Убайда».
9.00, 12.25 ТВ метео.
9.05 «Нафосат гулшани». Мусиқий дастур.
9.40 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.05 «Диққат, тошбақа». Бадиий фильм.
11.25 Дони Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
11.50, 12.55 ТВ анонс.
12.05 «Футбол олами».
12.30 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 «Оталар чойхонаси».
14.10 ТВ-1 намойиш этади:
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 Кундузги сеанс. «Икки дил достони». Бадиий фильм.
16.10 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
16.40 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.10 Ўз ТВ хазинасидан. «Бобур». Видеофильм. 1-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 ТВ клип.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлол нашидаси». Мусиқий дастур.
22.05 «Маънавият» дастури.
23.00 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 13-қисм.
23.25 «Ахборот».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
10.20 «Мультомоша».
10.50, 13.55 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр ҳафта ичида».
11.40 «Ўзбекистон жавоҳирлари». Телефильм.
11.50 «Нажот истаб». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.35 «Давр»-news.
14.05 Жаҳон жуғрофияси.
14.55 Автосалтанат.
15.10 Дастхат.
15.30 Ёзги таътил экрани. «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
15.55 Саломатлик сирлари.
16.15 «Заковат» интеллектуал ўйини.
17.15 Спорт ҳафтономаси.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» почтаси.
18.55 «Мультомоша».
18.10 «Ватан мадҳи».
18.20 Остонадаги орзулар.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Муҳаббат қўшиқлари.

19.45 Тафаккур ёлқинлари.
20.00 Олтин мерос.
20.05 Ёшлар овози.
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Дон Кихот». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.20 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».
19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «t° 36, 6». Мусиқий-дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.25, 22.10 «Ўзбегим навоси».
21.55 «Авто-news».
22.40 ТТВда сериал: «Селеста».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.20 «Фавқулодда чақирув».
17.55 «Аншлаг билан таътилда».
18.50 «Клип-антракт».
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.40 «Чангалзорлар қонуни». Ҳужжатли фильм.
21.35 Махфий ҳужжатлар «X-fail».
22.30 «Бизнес-ревю».
22.35 «Клип-антракт».
22.45 «Тв-4да Немис тўлқини».
23.05 «Ахборот» (рус тилида)
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Тараққиёт».
9.25, 12.30 ТВ метео.
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Афросиёб».
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.05 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
10.25 «Кулол ва хумча». Бадиий фильм.
11.40 «Рақслар гулдастаси».
12.05 «Шоҳрух клуби».
12.35 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 13-қисм.
13.00, 13.55 ТВ-анонс.
13.10 «Мусиқа: кеча ва бугун».
13.30 «Яккама - якка жанг». Спорт дастури.
14.10 Кундузги сеанс: «Оилавий ҳаётдан лавҳалар». Бадиий фильм.
15.30 ТВ клип.
15.40 «Маънавият» дастури.
16.30 «Аския кечаси».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Орзулар довони».
18.20 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.40 Эстрада тароналари.
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.20 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.00 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Буюк аждодларимиз». Ибн Сино.
22.20 «Ҳамроҳ». Теленовелла.
22.55 «Ахборот».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Мультомоша».
9.50 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 Саломат бўлинг.
10.20 «Индаба». Телесериал.
10.45 Кинотақдим.
11.05 «Даллас». Телесериал.
11.50 Ёшлар овози.
12.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.45 Кўҳна оҳанглар.
13.55 «Дон Кихот». Бадиий фильм 1-қисм.
14.40 Остонадаги орзулар.
15.00 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
15.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.05 Ёшлар куйлайди.
16.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал 98-қисм.
17.00 Азизим.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
17.50 «Мультомоша».
18.05 Таянч.
18.20 Олтин мерос.
18.25 Ватан манзаралари.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 Ёшлик қўшиқлари.
20.05 Марди майдон.
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Дон Кихот». Бадиий фильм. 2-қисм.
21.20 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
